

Ҳар бир заррада бир қувват бор



15:28 / 27 март 1291

Атом энергиясини қувватини кашф қилганлар немислар ёки америкаликлар эмас. Тарихда унинг қувватини илк билган олим мусулмон кимёгари Жобир ибн Ҳайён бўлади. Бу борада у Фарбдан 1200 йил олдинга ўзиб кетган.

У шундай деган эди: **«Ҳар бир зарранинг қалбида бир қувват бор. Уни озод қилишни имкони топилса, Бағдодни ёндириб юборади».**

Қани у бошларимизни Фарб илми ва ҳазораси билан бошимизни қотирганлар? Ахир улар билмайдиларми, айти ўша вақтда Европа (халқлари) касалликни шифоси йўқ бало дея, чўмилиш, ҳаммом қилишни эса лаънат деб эътиқод қилган эканин.

Ҳатто атом энергетикаси ғоялари ҳам бизнинг улуғларимиз ва олимларимиздан чиққан экан. Бир вақтлар илм ва маърифатда оламнинг етакчилари, сайидлари бўлганмиз. Шоядки, яқинда бу фурсат Аллоҳнинг изни билан қайтажак.

Абу Мусо Жобир ибн Ҳайён Аздий (721-815) замонавий кимё фанининг отаси сифатида тарихда из қолдирган. Аллома Эрон Ислом Республикаси

худудидаги Тус шаҳрида дунёга келган. У ўрта асрлар Европа илм-фанида «Гебер» номи билан танилган. Аздий Қуръон ҳофизи бўлиши билан бирга аниқ фанлар соҳасидаги буюк ихтиролари билан ҳам машҳур бўлган.

Инсофли француз тарихчиси Гюстав Лебон олимнинг асарлари ҳақида бундай дейди: **«Жобир ибн Ҳайённинг китобларидан арабларнинг кимё фанидаги барча ютуқларини қамраб олган катта энциклопедия тузиш мумкин. Унинг асарларида олдинлари маълум бўлмаган кимёвий бирикмалар тавсифланган».**